

УДК: 8-1

Ҳайнрих Ҳайне таваллудининг 220 йиллигига

ҲАЙНРИХ ҲАЙНЕНИНГ “ҚЎШИҚЛАР КИТОБИ”ДА СЕВГИ ИЗТИРОБЛАРИ ТАРАННУМИ

А.Ақбаров

Аннотация

Мазкур мақолада буюк немис шоири Ҳайнрих Ҳайне ижодининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинади. Шоир ҳаётига доир биографик маълумотлар асосида бир қатор лирик шеърларининг асоси бўлган севги изтироблари ва уларнинг юксак бадиий ифодаси ҳақида илмий хулосалар чиқарилган.

Аннотация

В статье анализируются особенности творчества великого немецкого поэта Генриха Гейне. Также приводятся научные выводы, основанные на биографических сведениях, относящихся к жизни поэта и ряд лирических стихотворений, которые включают в себя тему любовных страданий и о высоком художественном выражении.

Annotation

This article speaks about analyzing the poetry of the famous German poet Henry Hayne and about his biographic materials which based on the scientific conclusions of lyric poems which include the of love sufferings and about high literary expressions.

Таянч сўз ва иборалар: поэзия, лирика, сатира, ирония, муҳаббат, азоблар, табиат, ҳаяжон, проза, бастакор, лирик қаҳрамон, нафис.

Ключевые слова и выражения: поэзия, лирика, сатира, ирония, любовь, страдание, природа, восхищение, проза, композитор, лирический герой, эlegantный.

Key words and expressions: poetry, lyric, satire, irony, love, faith, nature, admiration, prose, composer, lyric hero, elegant.

“Шоирнинг бу ёруғ дунёда чироғи ўчмайди.
Гоҳи ўтлиғ шеър, гоҳи дилбар куй бўлиб
жаранглайверади”.

Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистон Халқ шоири.

Буюк файласуф, немис тилининг зукко билимдони Фридрих Ницше: “Германия Гётедан бошқа яна бир шоирни - Ҳайнрих Ҳайнени ҳаётида” деб ёзди ҳамда “Германия Европага инъом этган сўнгги буюк инсонлардан бири Ҳайнедир” деб таъкидлайди. Тадқиқотчилар унинг Ҳайнедан ҳайратланганлигини ва шунингдек, Ҳайне ҳам Ницшедан ҳайратланганини қайд этганлар [1].

Христиан Иоганн Ҳайнрих Ҳайне (немисча Christian Johann Heinrich Heine) 1797 йил 13 декабрда Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги савдогар яҳудий Самсон Ҳайне (1764-1829) oilасида дунёга келди.

Ҳайненинг ота-онаси уни ёшлигидан савдо ишига ўргатишга кўп уринишди, аммо бу ҳаракатлар зое кетди. Охири уни 1816 йили банк ишини ўрганиш учун Ҳамбургга, банкир амакиси Соломон Ҳайне (1864-1844) ёнига юборишди. Ҳайнеда савдогарчиликка қизиқиш эмас, балки нафрат уйғонди. У кўпроқ шеърят билан шуғуллана бошлади. Дастлабки шеърларига Фрейдгольд фон Ризенгарф тахаллуси билан имзо қўйди. Ота-онасининг розилиги ва амакисининг ёрдами билан Бонн

университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди.

Ҳайне А.Шлегелнинг немис тили ва поэзияси тарихидан ўқиган маърузаларини мароқ билан тинглади ва унга қизиқиб қолди. 1820 йили у ўқишни Хёттинген университетига кўчирди, аммо бир талабанинг ҳақоратига чидамай, уни дуэлга чақирганлиги сабабли университетдан четлаштирилди.

1821 йилдан 1823 йилгача Ҳайне Берлин университетига таҳсил олди, у ерда Гегель маърузаларини тинглади, адиб сифатида Рахель Фарнхаген фон Энзе адабий тўғарагида фаол иштирок этиши, унинг шаклланишида катта роль ўйнади.

Университетдан кейин Ҳайне Ҳамбургда ҳуқуқшунослик билан шуғулланишни режалаштирди, бироқ у адабий фаолиятни афзал кўриб, проза ва поэзияда ўз ўрнини мустаҳкамлади.

Ҳамбургда ўтган уч йил мобайнида Ҳайне амакисининг қизи Амалияга кўнгил қўйди, бироқ унинг севгиси рад этилди. Амалия ёш шоирга камбағал қариндош сифатида қаради, бир бой мулкдорни афзал кўриб, унга турмушга чиқиб

кетди. Энди шоирнинг ҳис-туйғулари, ҳаяжон ва севги изтироблари унинг шеърларига кўчди:

Аламларим, қайғум бешиги
Сокин уйқум даҳмаси – шаҳар!
Дилимни эзар айрилиқ тиғи,
Мени кутар ўзга соҳиллар.
Муқаддас ёр уйи, алвидо,
Алвидо, эй, таниш остона!
Илк учрашув кечган ўша боғ,
Сизга дерман “алвидо!” яна [5.10].

Маъшуқага етиша олмаган ошиқнинг севгиси Ҳайне лирикасида узоқ вақт бош мавзу бўлиб қолди. Ўзининг рўёбга чиқмаган севги изтиробларини шоир шеърларида куйиб - ёниб қуйлади.

У ўз ҳаётий драмасидан хулосалар қила бошлади. Энди унинг шеърлари ижтимоий аҳамият касб этди: дворян-буржуа оламида олий инсоний туйғулар, соф севги, дўстлик, ҳақиқат ва тўғрилиқ учун жой йўқлигини тушуниб етди. Бу эса унинг “Қўшиқлар китоби”да яққол кўзга ташланди.

1827 йилда Ҳайненинг шеърлар тўплами “Қўшиқлар китоби” (“Buch der Lieder”) босилди. Шу номдаги китоб (“Канцоньер”) итальян миллий поэзиясининг асосчиси Петрарка Франческо (1304-1374) да ҳам бўлган [2].

Бу тўпланда ўша пайтда битилган сара шеърлар (250 та) жой олган. Китобдаги гоҳ нафис ва ҳазин, гоҳ қувноқ ва сокин, гоҳ жўшқин ва ёрқин заковат акс этган шеърлар мазмунан бойлиги, хилма-хиллиги билан бир бутун яхлитликни ташкил этади. Шоир ажабтовур шижоат билан мураккаб ҳис-туйғулар манзарасини бир неча қаторда тасвирлаб бера олади [3].

Менинг тўккан кўз ёшларимдан
Унар ранггин анвойи гуллар.
“Оҳлар” уриб, йиғлашларимга
Кулоқ солар тунда булбуллар.
Эркам, мени севсанг жонингдан
Гулларимни ҳадя этардим.
Булбул куйин дарчанг ёнида –
Куйлаб-куйлаб тонгни кутардим [5.24].

Унинг поэзияси романтик хаёллар ва орзуларга бўлган танқидий муносабат прозаик деталь ва тафсилотлар билан тўлдирилади. Ҳайне романтик севгини дунёвий туйғу сифатида талқин этди.

“Қўшиқлар китоби” шоирни нафақат Германияга, балки бутун дунёга машҳур қилди.

Мен илтижо қилиб тангрига
Висолинга етмоқ бўлардим.
Сени севиб, севиб мангуга
Бахтим сенда дея билардим [5.90].

Ҳайненинг шеърлари халқ қўшиқларига жуда яқин бўлиб, шоир уларни бир-бирларига яқинлаштирган эди. Шунинг учун ҳам жаҳон поэзияси ва камер-вокаль муסיқасининг кейинги 200 йиллик тараққиётини Ҳайнесиз тасаввур этиб бўлмайди, муסיқашунос бастакорларнинг бутун бир плеядаси: Роберт Шуман, Фридрих Зильхер, Франц Шуберт, Феликс Мандельсон, Фанни Мандельсон, Иоганес Брес, Хуго Вольф, Рихард Штраус, Петр Чайковский, Эудард Мак-Доуэлл, Клара Шуман, Рихард Вагнер (XIX аср), Николай Метнер. Ҳанс Хенце, Карл Орф, Лорд Бернерс, Пауль Линке, Ицкель Браун, Марсель Тибберг, Е.Григ, Н.Лысенко (XX аср) кабилар Ҳайне асарларига куй басталаганлар [4].

Немис тадқиқотчиларининг ҳисоб-китобларига кўра XIX аср охирида шоирнинг “Қўшиқлар китоби”даги шеър ва матнларига 1,5 минг куй басталанган, XX асарда эса басталанган куйлар сони 4000 га етди [4].

Ҳайне ўзини романтизмнинг охириги шоири ва биринчи танқидчиси деб ҳисоблаган. Романтик кайфият унинг шеърларидан муҳим ўрин тутган:

Ҳайненинг ижодий фаолияти Германияда лирик поэзия гуллаган пайтга тўғри келди. Унинг поэзияси немис романтизмнинг энг юқори чўққиси бўлди. Севгисиз бахт бўлмайди, бахтсиз ҳаёт кечириш мумкин эмас [6]. “Қўшиқлар китоби” лирик каҳрамонининг дунёқараши ана шундай эди:

Уни максимализм тўлқинлантирди, каҳрамонни рад этилган севгигина атроф билан
изтиробга солди, жунбишга келтирди ва бу лирик мурасасизликка олиб келди:

Кунгирадор чўққидан ёху,
Йўқлик сари бир юлдуз учди.
Муҳаббатим юлдузидир у,
Ёнмас бўлиб абадий ўчди [5.69].

“Қўшиқлар китоби” тўрт туркумдан иборат кечинмалари муштарак севги қийноқлари
бўлиб, “Ёшлик изтироблари” саҳифаси билан туфайли юзага келади:

Уйғонаман ҳар кун тонги чоқ
Ва кутаман уни интизор.
Оқшом эса “оҳ” чекаман, оҳ,
Кўз тутганим келмади такрор [5.7].

Шоир ўз фожиасини дунёда ягона иккинчи туркуми “Лирик интермеццо”га
бахтсизлик деб ҳис қилади. (“Lyrisches Intermezzo”) кўчади. Умидсизлик, ғам-
ғусса ёрқин ҳасратга айланади:

Лирик қаҳрамоннинг қалбида кечаётган
ҳис-ҳаяжон, туйғулар “Қўшиқлар китоби”нинг

Мени сева олмадинг ҳайҳот!
Бунинг учун чекмайман фиғон.
Рухсоринга боққаним заҳот
Топгандайман тенгсиз армуғон.
Дудоғингда майин ҳар лаҳза
Менга ҳасад-рашк ўти ёнсин.
Фақат ундан олайин бўса,
Ва дилгинам жиндак юпансин [5.33].

“Ватанга қайтиш” (“Heimkehr”) “Қўшиқлар айрилиқдан кейин яна юзага чиқиб, ёдга тушиб,
китоби”даги учинчи туркум бўлиб, унда ўтмиш хотиралари уни ҳаяжонга солади, уни
ёшликдаги муҳаббат изтироблари, вақтинчалик тушинишга, мураса қилишга мажбур этади:

Сен бахтсиз, менинг ҳам ғазабим сўнди,
Ғам чекмоқ бор экан пешонамизда.
Сокин урар мажруҳ қалбимиз энди,
Ғам чекмоқ бор экан пешонамизда [5.39].

деб тақдирга бўйсунди.

Қаттиқ ранжиган лирик қаҳрамон қадрдон ташланади. Ёшлик изтироблари унга хотиралари
жойига келгач, таниш нарсалар яққол кўзга каби қадрдон эди:

Бас, эй кўнгил! Сенга не бўлди?
Тақдиринга тан бергил сен ҳам,
Нимаки қиш пайти сўлди,
Олиб қайтар яна соз кўклам [16.233].

деб шоир ўзини-ўзи тинчлантиради ва яхши дамлар қайтиб келишига умид боғлайди.

Афсонавий Рейн гўзалига бағишланган машхур “Лорелей” (“Lorelei”) шеъри Рейн дарёсида ҳаракатланадиган қайиқчининг эс-хушини ўғирлайдиган афсунгар аёл ҳақидаги халқ афсонаси немис фольклорида азалдан бор эди.

“Лорелей” Ҳайнени жуда машхур қилди, халқ қўшиғига айланди. Шоир Лорелейни сирли

ҳақиқат эмас, балки жуда гўзал бадиий тўқима сифатида талқин этди. “Қўшиқлар китоби”нинг бошидаги икки туркумда маъшуқа маккор, бағритош ва бераҳм сифатида кўрсатилган.

Учинчи туркумда мазкур шеърдан бошлаб, эҳтиросларга берилиш ўзгаради. Лорелей муҳаббатни ҳалокатга олиб борувчи кучга эга. Лирик қаҳрамоннинг муҳаббати ўзининг хоҳишига қарши юзага келади, ундан сўрамайди. Маъшуканинг қалб дардига учратган севги эса

етишиш қийин бўлган нарса. Бунда шоир романтик ҳислар диалектикасини яратган танқидий реалистларнинг прозасига яқинлашади. Аста-секин, босқичма-босқич Ҳайне поэзиясининг аналитик характери кучайиб боради.

Тўртинчи туркум “Шимолий денгиз” (“Nordsee”) да эса ҳамма нарсадан хафсаласи пир бўлган лирик кахрамон, энди фақат табиат билан ҳаёт кечиришга интилади, ўзини эса борлиқнинг майда, муҳим заррасидек сеза бошлайди:

Тагин қалбим ошиқи шайдо,
Мен унутдим андуҳ сасини,
Тагин нафис туйғуларга банд
Ҳис этаман Май нафасин.
Шаршаранинг куйидан тагин
Мен тинглайман арзи дилимни,
Сезгир қалбим, шафқатли қалбим
Оқ мавжларнинг англари тилини.
Тагин ширин хаёлларимнинг
Сўқмоғида кезаман якка:
Кулиб боқар бутуқлар, қушлар
Яна бир бор севган тентакка [15.22].

Германиядаги носоғлом муҳит Ҳайненинг 1831 йили Парижга кўчиб кетишига сабаб бўлди. Париж унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Проза ва публицистика соҳасида у янги босқичга кўтарилди.

Парижда кўп йиллар яшаган Ҳайне 1843 йил кузида Германияга сафар қилиш имкониятига эга бўлди. У ватанини жуда соғинган эди, бу ҳақда шоир қуйидаги мисраларда шундай ифода этади:

Германия ҳавосидан нафас олмоғим зарур,
Акс ҳолда, соғинчдан ҳалок бўламан [7].

Ўн уч йил давомида ватанидан йироқда, сарсон-саргардонликда юрган юртсевар шоир уни миллатга меҳрсизликда айблаган кишиларга қарата “Германия. Қишки эртақ.” (“Deutschland. Ein Winternärrchen”) асарининг сўзбошида: “Мен ватанни сизлардан кам севмайман. Шу севгим туфайли мен ўн уч йил қувғинда бўлдим, айти мен шу севгим туфайли оҳ-воҳ қилмасдан,

изтиробдан юзимни буриштирмасдан, яна, эҳтимол, бутун умрга қувғин қилинган жойимга қайтмоқдаман”, - деб ёзган эди [8].

Шу йили яна у Францияга қайтиб кетди. Шоир Парижга қайтаётиб, ёшлигининг қайноқ даври кечган, севган, аммо маъшуқасини йўқотган шаҳар Ҳамбургга хитоб қилади:

Ҳей, сен сирли ва улкан шаҳар
Яна юрак саломи сенга.
Муҳаббатим менинг бир маҳал
Беркитгандинг иссиқ сийнангга.
Миноралар ва дарвозалар
Қаерда мен севган сарвад?
Унинг-чун, сиз сўзсиз жавобгар
Топширгандим сизга омонат [5.82].

1844 йил амакисининг ўлимидан кейинги жанжаллар, шахсий ҳаётидаги зўриқишлар, қийинчилик ва азоблар Ҳайненинг соғлиғига путур етказди. 1848 йили Европа бўйлаб шоирнинг ўлими ҳақида миш-мишлар тарқалди. Ҳақиқатан ҳам у касаллиги туфайли, саккиз йил тўшакка михланиб қолди. Шоирнинг ўзи буни “Тўшак қабр” (“Matrazengruft”) деб атади. 1846 йили бошланган зотилжам (паралич) авж олиб, уни шу кўргуликка дучор қилди, бироқ у ҳаётга қизиқишини йўқотмади, ижодини давом эттираверди. Шоирнинг сўнги асарларида (гарчи

беморлик унинг ҳаётини азобга айлантирган бўлса-да) ижодий қувват ўсганлигидан далолат беради. Бироқ унинг жисмоний ҳолати туфайли, сўнги асарларида скептизм ва пессимизм акс этиб туради.

Унинг охириги сўзлари: “Ёзиш керак!” “Қоғоз, қалам беринг!” – бўлди.

1856 йил 17 февралда Ҳ. Ҳайненинг юраги уришдан тўхтади. Вафотидан уч кун кейин Париждаги Монмартр қабристонида дафн этилди [9]. Теофиль Готье, Алесандр Дюма ва бошқалар шоирни охириги манзилга кузатиб бордилар.

Ҳайне асарлари осон ўқилади. Шоир бир жиҳатдан содда ва қисқа тарзда кўп нарсаларни айта олган, яна бир жиҳатдан ҳеч қачон кенг полемикага берилмаган, бир мавзудан бошқасига енгил ўтиладиган қисқа шеърлар ва прозани афзал кўрган. У туғма истеъдодли шоиргина эмас, балки машҳур прозаик ҳам бўлган. Ҳайненинг асарлари унинг ўткир ақл эгаси эканлигидан далолат беради.

У нима ёзса, ўзини ёзар, ўз шахсий туйғулари, эҳтирослари, севгиси, нафрати орқали табиатни, даврни акс эттирарди. Унинг муҳаббати ва ҳисларида халқнинг овози жарангларди. У инсон озодлиги учун жон куйдирди, халқнинг қонини сўраётган ҳукмдорлар, аслзода ва оксуяк князлар билан мурасасиз бўлди, уларни қаттиқ танқид қилди [11]. Шунинг учун ҳукмдорлар шоирни ёмон кўришар, уни “тўполончи”, “бузғинчи”, “нонқўр” дейишарди [12]. Шунга қарамасдан, шоирнинг киноя ва сатирасидан, яъни танқидидан қўрқашарди. Унинг “ҳазили” даҳшатли эди.

Ҳайне ғализ немис тилини силлиқлаштирди, унга назокат, нафислик ва илгари маълум бўлмаган ёқимли оҳанг бахшида этди [2].

Ҳайне ҳақида Н. Добролюбовнинг сўзлари диққатга сазовордир: “Бир неча кундан бери

Ҳайне билан овораман. Ҳайратланиб кетаяпман! Ҳеч бир шоир менда шундай батафсил, самимий, чуқур таассурот қолдирмаган. Уни ўқиш киши ички дунёсини кенгайтиради, қўшиқлари эса қалбга ширин, сокин, ўйлантирувчи соғинч ҳисларини инъом этади”- деб ёзади кундалигида [13].

Ҳайне Австрия қироличаси Елизабетта, Альберт Эйнштейн, Йозеф Геббельс, Н. Бухаринларнинг севимли шоири бўлган [14].

2017 йил 13 декабрда Ҳ.Ҳайне таваллуд топганига 220 тўлди. Ҳар йили шоир таваллуд кунининг нафақат унинг ватандошлари, балки жаҳондаги шеър шайдолари байрам сифатида нишонлайдилар.

Ҳайненинг танланган асарлари эллик жилдни ташкил этади. Шоир ҳаётлигидаёқ унинг асарлари ўн уч марта нашр этилган. Улар деярли жаҳоннинг ҳамма халқлари тилларига таржима қилинган.

Гарчи шоир 220 ёшга кирса ҳам, ҳамиша навқирон, дилбар ва буюқдир, чунки у табиатни, МУҲАББАТни, нозик ҳис-туйғуларни, ёшлик ва унинг изтиробларини куйлади, умрининг охиригача севди. “Севги қаримас” деганларидек, севган киши ҳам қаримайди. Унинг муҳаббат тилида битилган дилбар шеърлари инсониятнинг қадрли мулки бўлиб қолаверади.

Адабиётлар:

1. Скуратовский Виталий. Два гиганта либеральной публицистики: Генрих Гейне и Людвиг Бёрне. <http://www.vestnik.com/issues/2000/0926/koi/skuratovski.htm>.
2. Художественные особенности, культурное отражение в “Книге песен” Г.Гейне. http://www.lang-lit.ru/2015/07/0naliz_sborniki-stikhov-geyne-kniga-pesen.html.
3. Энциклопедия Кругосвет <http://www.c-c.ru/days/bio/10/008.php>
4. Wikipedia.org.
5. Генрих Гейне. Лирика. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
6. 5 музыкальных композиций на стихи Г.Гейне. <http://vm.ru/news/2014/17/muzikalisch-kompositziy-na-stihi-genriha-geyne-235742.html>
7. Ионкис Грета. Голгофа Генриха Гейне. <http://za.za.net/old-index.php?menu=authors&&country=ger&&author=ionkis&&werk=012>
8. Йўлдошев Қ.ва бошқ. Адабиёт. 9 синф учун дарслик. – Т., 2014.
9. Гейне Г. Биография кратко, интересные факты и творчество. <http://kakfb.ru/isskustvo-i-rasvlechniya/94248-genrih-geyne-biografiya-kratko-interesnye-fakty-i/html>
10. <http://hallena.nard.ru/geyne.html>
11. Миразиз Аъзам. Буюклар муҳаббати. – Т., 2016
12. Heinrich Heine- ein europäischer Deutscher. Begleitheft zu gleichnamigen CD. Goethe-Institut. München. 1997.
13. Г.Гейне. Книга песен. Переводы русских поэтов. Госиздат. “Художественная литература”. – М., 1956.
14. Великий лирический поэт немецкого народа- Генрих Гейне. http://www.literasoch. /velixiy_liricheskiy-poet-nemetskogo-genrih-geyne/
15. Жаҳон адабиёти. 12-сон. А.Шер таржимаси. – Т., 2014.
16. Миртемир. Учинчи том. Шеърлар ва таржималар. – Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).